

ҒАЗАЛНАВИСЛИК АНЪАНАСИ ВА НАВОИЙ МАҲОРАТИ

Олимжон Абдуллоев,

филология фанлари номзоди, доцент

“Академик Бобожон Гафуров номидаги

Хўжанд давлат университети” ДТМ

Аннотация. Мақолада ғазалнавислик анъанаси ва Алишер Навоийнинг ғазалнависликдаги маҳорати кўрсатиб берилган ҳамда ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг ўзбек ғазалнавислигини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ривожлантирганлиги, унинг ўзбек ва тожик тилларида уч мингдан ортиқ ғазал яратганлиги ҳақида маълумот берилган. Шу билан биргаликда, Навоийнинг ғазалнинг турли шаклларида фаол фойдаланганлиги, натижада шоир ижоди ўзбек ғазалнавислигининг кейинги тараққиёти учун кучли туртки берганлиги айтиб ўтилган.

Маълумки, Навоийнинг сермахсул ва етук ғазалнавис бўлиб шаклланишида буюк тожик ғазалнавислари ижоди муҳим манба бўлган.

Мақолада шу ҳақда ҳам маълумот берилган. Унинг Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийни устоз сифатида алоҳида тилга олганлиги айтилиб, Навоий шеърдан парча келтирилган.

Мақолада Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Бингарам” радифли ғазали ва Навоийнинг шу ғазалга татаббуъ тарзида ёзилган “Бингарам” радифли ғазали таҳлил қилиниб, Амир Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий маҳоратлари ёритилган. Якуний фикрлар мақоланинг “Хулоса” қисмида ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, ғазал, татаббуъ, маҳорат, анъана, шоир, шакл.

Аннотация. Данная статья посвящена традициям написания газелей и мастерству Алишера Навои. Сообщается, что основоположник узбекской литературы Алишер Навои развил узбекскую газельную письменность как количественно, так и качественно, кроме того создал более трех тысяч газелей на узбекском и таджикском языках. Наряду с этим было отмечено, что Навои активно использовал различные формы газели, в результате чего творчество поэта дало мощный толчок дальнейшему развитию узбекской газели.

Известно, что творчество великих таджикских газелистов является важным источником в становлении плодovitого и зрелого газелиста Навои.

В статье также представлена информация об этом. Упоминается, что в качестве учителей он выделил Амира Хусрава Дехлави, Хафиза Шерази и Абдурахмана Джамии, а также цитируется фрагмент стихотворения Навои.

В статье анализируется газель «Бингарам» Амира Хусрава Дехлави и газель Навои «Бингарам», написанные в стиле этой газели, а также освещается мастерство Амира Хусрава Дехлави и Алишера Навои. Заключительные мысли изложены в части «Заключение» статьи.

Ключевые слова: Хусрав Дехлави, Алишер Навои, газель, татаббу, мастерство, традиция, поэт, форма.

Annotation. This article is devoted to the traditions of writing gazelles and Alisher Navoi's skills. The given article is devoted to the traditions of writing gazelles and the skill of Alisher Navoi. It is reported that the founder of Uzbek literature, Alisher Navoi, developed the Uzbek ghazal script both quantitatively and qualitatively, in addition, he created more than three thousand ghazals in Uzbek and Tajik languages. Along with this, it was noted that Navoi actively used various forms of gazelle, as a result of which the poet's work gave a powerful impetus to the further development of the Uzbek gazelle.

It is known that the work of the great Tajik gazelists is an important source in the formation of a prolific and mature gazelist in Navoi. The article also provides information about this. It is mentioned that he singled out Amir Khusrav Dehlavi, Hafiz Sherozi and Abdurrahman Jami as teachers, and a fragment of Navoi's poem is also quoted.

The article analyzes the gazelle "Bingaram" by Amir Khusrav Dehlavi and the gazelle Navoi "Bingaram", written in the style of this gazelle, and also highlights the skill of Amir Khusrav Dehlavi and Alisher Navoi.

The final thoughts are set out in the "Conclusion" part of the article.

Keywords: Khusrav Dehlavi, Alisher Navoi, ghazal, tatabbu, skill, tradition, poet, form

Кириш

Алишер Навоий ўзбек ғазалнавислиги тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкордир. Навоий ғазалнависликни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ривожлантирди. Улуғ шоир ўзбек ва тожик тилларида уч мингдан ортиқ ғазал яратди. Ўзбек ғазалнавислигида мустақил байтлардан тузилган ғазал шаклини, шунингдек, байтлари мазмунан ўзаро зич боғланган яқпора ғазал, кичик бир ҳаётий лавҳа тасвирланган воқеабанд ғазал, муайян манзара ёки лирик кечинма байтларда тадрижий ёритилган мусалсал ғазал шакллари фаол қўллади. Навоийнинг ғазалнавислик маҳорати билан боғланган бу ранг-баранглик ва сифат ўзгаришлари ўзбек ғазалчилигининг кейинги даврлардаги ривожи учун ҳам кучли туртки берди.

Асосий қисм

Навоий ўзбек ғазалчилиги тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Навоийнинг сермахсул ва етук ғазалнавис бўлиб шаклланишида буюк тожик ғазалнавислари ижоди муҳим манба бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Навоийнинг ўзи ҳам «Муҳокамат-ул-луғатайн», «Маҳбуб-ул-қулуб», «Мажолис-ун-нафоис» ва бошқа асарларида буюк форс-тожик шоирлари ижоди унинг учун ўқиш ва ўрганиш мактаби бўлганини мамнуният билан қайд этади.

Алишер Навоий лирик маҳоратини камолга етказишда, айниқса, буюк форс-тожик ғазалнавислари ижодини чуқур ўрганган. Навоий ҳатто қайси форс-тожик ғазалнависларининг маҳорат мактабларидан ўрганганлигини ва ўз ғазалларида кимларнинг таъсири сезилишини ҳам очиқ айтган. Улуғ шоир форс-тожик шеърятининг уч буюк шоири Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийни алоҳида тилга олиб, уларнинг ғазалнависликда тенгсиз эканликларини махсус таъкидлар экан, ўзини бу буюкларнинг шогирди сифатида ғазалнависликда уларга эргашганлигини қайд этади:

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким, андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бири мўъжиз баёнлиғ сохири ҳинд

Ки, ишқ аҳлини ўртар сўзу холи.
Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудсий асарлик орифи Жом
Ки, жоми Жамдурур синған сафоли.
Навоий назмиға боқсанг, эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.¹

Қитъанинг иккинчи байтидаги «соҳири хинд» Амир Хусрав Деҳлавийдир. Учинчи байтдаги «ринди Шероз» Ҳофиз Шерозий бўлса, тўртинчи байтдаги «орифи Жом» Абдурахмон Жомийдир. Навоий уларнинг ғазалнависликдаги етукликларини ва ғазаллари бадий юксаклигини таъкидлар экан, етук ғазалнавис сифатидаги ўзларига хос жиҳатларни ҳам кўрсатиб беради. Чунончи, Амир Хусрав ғазалларида баён мўъжизали бўлиб, ундаги тасвирлар ўқувчини сеҳрлаб қўяди. Унинг ғазалларида ишқ тасвири шу қадар таъсирли бериладикки, уни ўқиганлар ошиқ бўлмай қолмайди. Ошиқлар ўқиганда эса уларда куйиш ва ўртаниш ғоятда кучайиб, ўзларини унутадилар ва беҳол бўлиб қоладилар.

Ҳофиз Шерозий ғазаллари Исо масиҳ нафаси каби жон бағишловчилик хусусиятига эга. Улуғ шоир ғазаллари қаҳрамони эса фоний дунёда ўзлигидан воз кечиб, ҳақиқий ишқдан маст ва хотиржамликка етган образдир. Зеро, бу жиҳат Ҳофизнинг ўз сиймосида ҳам акс этади.

Абдурахмон Жомий ғазалларида эса пок ирфоний тасвирлар жўш уради. Улуғ шоирнинг синған сафол сингари хоксорликка йўғрилган сиймоси ва қалбида бутун оламни кўрсата олувчи Жамшид жомига хос қудрат мужассамланган. Навоий қитъадаги уч байтда бу буюк шоирлар ғазалиёти ва сиймосидаги муҳим нуқталарни қисқа изоҳлагач, охириги икки байтда шеърятига уларнинг таъсир этгани бутун ижодида кўзгудагидек намоён бўлиб туришини таъкидлайди.

Адабиётшунослар А.Шомухамедовнинг номзодлик рисоласида Абдурахмон Жомий², М.Суюновнинг монографиясида Ҳофиз Шерозий³

¹ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.6. – Тошкент: Фан, 1990, 516-б.

² Шамухамедов А.Ш. Традиция татаббуъ в творчестве Алишера Навои (На примере татаббуат Фани на газели Джами): Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 165 с.

³ Суюнов М. Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари). – Хўжанд: Раҳим Жалил, 2004. – 56 с.

ғазалларининг Алишер Навоий ғазалнавислигига таъсири анъана, янгилик ва маҳорат масалалари таҳлили асосида кўрсатиб берилган.

Ўрни келганда айтиш лозимки, форс-тожик адабиётида энг кўп лирик шеърлар девонини тузган Амир Хусрав Дехлавий бўлса, ўзбек адабиётида эса Алишер Навоий энг кўп девон тузган шоир ҳисобланади. Амир Хусрав девонлари «Тухфат-ус-сиғар», «Васат-ул-хаёт», «Гуррат-ул-камол», «Бақияи нақия» ва «Ниҳоят-ул-камол»дир. Алишер Навоийнинг девонлари эса «Илк девон», «Бадоеъ-ул-бидоя», «Наводир-ун-ниҳоя», «Хазойин-ул-маоний» (у тўрт девондан иборат) ва «Девони Фоний»дир. Бу девонларда турли лирик жанрлардан тузилган шеърлар жамланган бўлса-да, уларнинг катта қисмини ғазаллар ташкил этади.

Амир Хусрав девонларининг ҳаммаси фақат форс-тожик тилидаги шеърлардан иборат бўлса, Алишер Навоий эса ўзбек тилидаги шеърларини алоҳида девонларда, форс-тожик тилидаги шеърларини эса алоҳида девонда жамлаган. Навоийнинг тожик тилидаги шеърларидан тузилган девони «Девони Фоний» деб номланади. «Девони Фоний»даги шеърларни Навоий Фоний таҳаллуси билан ёзган бўлиб, унинг катта қисмини татаббуъ, ихтиро ва мухтараъ ғазаллар ташкил этади. «Девони Фоний»да 553 та ғазал мавжуд ва уларнинг 73 дан ортиғи Амир Хусрав ғазалларига татаббуъдир. Навоийнинг ўзбекча девонларида ҳам Амир Хусрав ғазалларига боғланган татаббуълар кўп ва уларнинг ҳаммасида улуғ тожик шоири анъаналари маҳорат билан давом эттирилган.

Навоий-Фонийнинг «Девони Фоний»даги татаббуъ ғазалларининг ҳаммасига сарлавҳа қўйилган бўлиб, уларда ғазал кимнинг ғазалига татаббуъ эканлиги кўрсатилган. Шу тарзда Амир Хусрав ғазалларига боғланган татаббуълар ҳам «Татаббуъи Мир», «Татаббуъи Мир Хусрав», «Дар таври Мир» сарлавҳалари остида берилган. Бундан ташқари, Алишер Навоий бошқа шоирлар услубида ҳам Амир Хусрав ғазалларига татаббуълар боғлаган бўлиб, уларга «Татаббуъи Амир Хусрав дар таври Хоча Ҳофиз», «Татаббуъи Мир дар таври Хоча» сингари сарлавҳалар қўйилган. Бундай сарлавҳалардаги «Хоча Ҳофиз», «Хоча» номлари Ҳофиз Шерозийни билдирса, «тавр» сўзи эса шоир услубини англатиб келган.

Услуб ижодкорларни бир-биридан фарқлантирувчи тасвир усулидир. Ижодкорлар ўзларига хос тасвир йўлларида фойдаланишлари туфайли бир-бирларидан фарқ қиладилар. Ўз услубига эга бўлмаган ижодкорнинг бадиий маҳорати етук бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир ижодкор адабиёт майдонига қадам кўяр экан, ўз услубига эга бўлишга интилади. Мумтоз шоирларнинг аксарияти ўз услубига эга ижодкорлар эди. Навоий татаббуънавислик билан

шуғулланар экан, буюк салафлари услубларини ҳам чуқур эгаллашга интиланган ва бунга тўла эришган. Буни Навоийнинг Амир Хусрав, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий каби етук шоирлар ғазалларига татаббуъ боғлашдан ташқари, улар ва бошқа шоирлар услубларида ҳам ғазаллар яратганлигида яққол кўриш мумкин.

Қайд этиш лозимки, Алишер Навоий ўз татаббуъларида буюк салафлари анъаналарини давом эттирар экан, уларга ҳамиша ижодийлик билан ёндашади. Шу сабабли Навоий татаббуълари оддий тақлид ёки пассив издошлик намуналари бўлмай, уларни улуғ шоир ўзининг салафлари билан беллашиб ёзганлиги ҳам яққол сезилиб туради. Зеро, уларда Навоий ўз бадиий маҳоратини намойиш қилиб, анъанага янгиликлар кўшган ҳолда уларни юксак санъаткорлик билан яратган. Масалан, Навоийнинг куйидаги «Татаббуъи Мир» сарлавҳали Амир Хусравнинг «Бингарам» радибли ғазалига боғланган татаббуъси унинг маҳорат билан ёзилган шундай ғазалларидан биридир:

Чун акси рӯи муғбача хоҳам тамошо бингарам,
Оям даруни дайру дар миръоти сахбо бингарам.
З-он даруни чашму дил чо карда он шӯхи чигил,
К – ў рӯ намояд муттасил, хоҳам чу ҳарчо бингарам.
Абрӯву рухсори ту, ваҳ, дар чашму дил то карда раҳ,
Не сар ниҳам дар қиблагаҳ, не дар мусалло бингарам.
Ман бинам андар осмон, гул бингарам дар бўстон,
Ҳар дам чу натвонам, ки он рухсори зебо бингарам.
З- андешаи дунё мағӯ, май дар қадах, рез аз сабӯ,
Он чоми Чам деҳ то дар ў авзои дунё бингарам.
Чун рӯ намуд он маҳчабин, эй накӯ дар вай бубин,
Фурсат кучо ёбам чунин як лаҳза то чо бингарам.
Фонӣ, кучо бошад раво дар хидмати аҳли фано,
Гар монда накди вақтро дар холи фардо бингарам.⁴

Навоий татаббуъси Амир Хусравнинг куйидаги ғазалига жавобан ёзилган:

Ҳар дам чу натвонам, ки он рухсори зебо бингарам,
Рӯзе, ки чое дидамаш, рӯ орам он чо, бингарам.
Гаҳ гиря пӯшад чашми ман, беҳуд шавам чун даррасад,
Мумкин нагирад ҳеч сон, к-он рӯи зебо бингарам.
Оташ батар гирад ба дил, ҳарчанд бар ёди рухаш,
Берун равам ман ҳар замон гулҳои сахро бингарам.

⁴ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.19. – Тошкент: Фан, 2002, 254-б.

Эй боғбон лутфе бикун, дар бўстон раҳ деҳ маро,
Гар нахл надҳад мевае, боре, тамошо бингарам.
3-ин сон ки дил пур шуд зи ғам, чони тихй дорад дарун
Ёро, яке ҳам худ бигӯ, к-ат ар чи ёро бингарам.
Дидан наёрам чун рухат, побӯс ҳам нагзориям,
Бигзор, боре як назар дар пушти он по бингарам.
Ту худ зи баҳри озмун шӯхй кунй, к-ин сӯ бубин,
Лекин мани беҳушро ку хуши дил, то бингарам?
Аз диданат чон меравад, в-ар чон равад, чун бинамат,
Ҳайронам андар кори худ, к-ат чон диҳам, то бингарам.
Хунобаи Хусрав ҳама афсурд ту бар ту ба дил,
Чархам надод он бахт, к-ат аз халқ танҳо бингарам.⁵

Амир Хусрав ғазали муҳаббат мавзусида ёзилган. Унда шоир лирик қаҳрамоннинг ўз севгилисига бўлган самимий муҳаббатини қаламга олган. Лирик қаҳрамоннинг севгилисига муҳаббати шу қадар кучлики, ундан назарини узолмайди. Ошиқ маъшуқасининг зебо рухсориға тикилмай яшай олмайди. Агар маъшуқасини кўрмаса, уни қаерда кўрган бўлса, ўша ерга назар солиши билан таскин топишга интилади. Биринчи байтда шу ҳақда гап кетади. Иккинчи байтда ошиқнинг ҳижрондаги кўз ёшлари тасвириға ўтилади. Ошиқ ҳижронда эзилиб, кўз ёши тўкади. Бу ҳам етмаганидек, беҳуд бўлади. Буларнинг давоси ёр васлидир. Шу сабабли у дард билан гўзал юзга интилади. Учинчи байтда ҳижроннинг ошиқ қалбига ўт солганлиги ҳақида фикр юритилади. Лирик қаҳрамон маҳбубаси ишқида шу қадар дард чекадики, қалбида ўт пайдо бўлиб, бутун вужуди куя бошлайди. Шу сабабли уйда ҳам, ўзи яшаётган жойда ҳам туришга тоқати қолмай, ёр ёдида саҳроға чиқиб, у ердаги гулларға боқиш билан қалбига ором беришни истади.

Тўртинчи байтда ошиқ нидо санъати орқали боғбонға мурожаат қилади. Ундан боққа киришға рухсат сўраб, боғдаги гулларни томоша қилиш орқали ёр васлиға етиш орзусининг ушалишини истади. Бешинчи байтда ишқ йўлида ғамға тўлган ошиқ қалбининг ғамға тўлиб, тоқатсиз бўлгани ёритилади. Улуғ шоир «ёро» сўзини тажнис санъатида икки марта қўллаб, унинг биринчисини «севикли ёр» маъносида, иккинчисини эса ёр ҳажрида тоқатсизланган ошиқ маъносида берган. Олтинчи байтда ошиқ интилишининг юксак даражаси – кулминацион чўққиси тасвирланган. Маъшуқа жамолиға интилган ошиқ уни кўришдан ожиз. Шу сабабли у ёрнинг оёғини ўпишға ҳам рози. Аммо бунинг

⁵ Хусрав Д. Осори мунтахаб. Дар 4 хилд. Ҳ.4. – Душанбе: Ирфон, 1975, 590-б.

хам иложи йўқ. Буни англаган ошиқ ёрнинг йўл бўйлаб ўтишини орзу қилади. Зеро, ёр ўтган йўлга назар ташлаш ошиқ учун ҳам илтифот, ҳам висол лаҳзаси бўлиши мумкин. Улуғ шоир муболаға санъати орқали ҳам бўлса-да, ошиқнинг ҳақиқий ишқини кўрсатиб бера олган.

Еттинчи байтда ошиқ орзуси тасвири давом эттирилади. Ошиқ фикрича, севгилиси уни синаб кўрмоқда. Аммо у синовни кучайтиргани сайин ошиқ ҳоли оғирлашаётганини англамайди. Бунинг устига ошиқ ҳолидан кулиб, шўхлигини давом эттиради. Ошиқ эса чидайди ва севгилисининг ўзи томон назар солишини илтижо қилади. Бироқ ошиқ шунчалик беҳуш ҳолатдаки, мабодо маъшуқаси унинг устидан кулиб назар ташлашидан ҳам чўчийди. Чунки маъшуқа унга назар солса, ошиқ жонидан ажралади. Жонидан ажралгач, ошиқ маъшуқасига қандай қилиб боқа олади. Шу сабабли ошиқ маъшуқанинг боқишидан ҳам, боқмаслигидан ҳам ҳайрон ҳолатга тушган. Аммо, ошиққа маъшуқа бокса ҳам ўлади, боқмаса ҳам ўлади. Шу сабабли маъшуқа унга назар ташлашидан олдин, ўлмай туриб севгилисига боқиб жонидан айрилиш ҳам унинг учун бахтдир. Саккизинчи байтда шу ҳақда тасвирланади. Тўққизинчи байтда Амир Хусрав ошиқнинг ишқ дардини ижтимоий масалаларга боғлайди. Агар лирик қаҳрамон маъшуқа жафоларидан эзилган, дили ғамга ботган ҳолда қийналган бўлса, шоирнинг эса фалак жафоларидан қалби ғам-аламга тўлиб, кўзларидан қон оқади. У халқ номидан Аллоҳга мурожаат қилиб, ўзи ва бошқа жафокашларга шафқат билан назар солишини орзу ва илтижо қилади.

Ҳазалнинг охириги байти юқоридаги мисраларда полифоник тасвир берилганига ишора қилади. Гарчи ҳазалнинг тўққизинчи байтигача ошиқнинг маъшуқа ҳажрида чеккан жафолари, маъшуқанинг ошиққа кўрсатган зулми ҳақида фикр юритилган бўлса-да, аммо бу тасвирларда фалак, замон, аниқроқ айтганда, давр ҳукмронларининг оддий халққа қилган жабр-зулмига ишора ҳам йўқ эмас. Бундай ишоранинг мавжудлиги ҳазалнинг сўнгги байтидаги тасвирда ўз тасдиғини топган.

Ҳазалда илоҳий тажаллиёт тасвири ҳам мавжуд. Шеър лирик қаҳрамони ҳақиқий ошиқ. Ҳазалдаги ишқ тасвирининг ботиний томонига назар ташланса, унда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тасвири берилганини кўриш мумкин. Воқеан, ошиқ севгилисини кўрмаса, у турган жойга назар солиш ёки табиатдаги гулларга боқиш билан ёрини кўргандек бўлади. Бу эса илоҳий тажаллиётга ишора. Илоҳий тажаллиёт Аллоҳ жамолинининг табиат ва жамиятда акс этишидир. Бунда табиатдаги гўзал нарса-ҳодисалар ва жамиятдаги чиройли инсонлар илоҳий тажаллиётни намоён этувчилар сифатида кўзга ташланади. Шунга кўра, ошиқнинг маҳбубаси зоҳиран гўзал қиз сифатида уни мафтун этган бўлса-да, ботинан у илоҳий тажаллиёт акс этган маҳбуба сифатида ошиқни

мафтун этган. Лирик қаҳрамон эса дунёвий ошиқ сифатида намоён бўлса-да, аслида ҳақиқий ошиқ тарзида илоҳий жамол соҳиби бўлган Аллоҳнинг комил ошиғи сифатида таассурот қолдиради. «Рухсори зебо», «рўйи зебо»га эга бўлган маҳбуба ҳам ҳаёт гўзали сифатида кўринса-да, у ўз чиройини «гулҳои саҳро»да намоён этиши билан табиатда тажаллий этган илоҳий жамол соҳиби эканлигига ишора этади. Шу тарзда Амир Хусрав полифоник тасвир орқали ҳам дунёвий, ҳам ҳақиқий ишқ тасвирини берган. Энг муҳими, полифоник тасвирда маъшуқа жафолари орқали фалак жафоси, ўз замонда эзилган оддий халқнинг чорасиз турмуши ҳам маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Алишер Навоий татаббуъсида Амир Хусрав анъаналари давом эттирилган. Навоий ҳам татаббуъда муҳаббат мавзусини таҳлилга тортиб, унда мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тасвирини беради. Муҳими шундаки, Алишер Навоий ишқ тасвирини беришда тасаввуфий талқинларни олға суради. Бунда улуғ шоир тасаввуфий тимсоллардан кенг фойдаланади. Татаббуъда муғбача, миръоти саҳбо, мусалло, май, қадах, сабў, жоми Жам, аҳли фано сингари тасаввуфий тимсол ва сўз образлар мавжуд. Уларнинг барчаси ўзига хос тасаввуфий маъноларга эга. Чунончи, муғбача сўзи аслида оловпарастлар ибодатхонасида майхўрларга май ташиш билан шуғулланадиган чиройли болани англатади. Аммо тасаввуфда эса муғбача муршид юзидаги нурдир. Бу нур муридни ўзига мафтун этади. Бундан ташқари, муғбача илоҳий тажаллиётни ва ҳақиқий маҳбуб ҳисобланган Аллоҳнинг ўзини ҳам ифодалайди.

Дайр аслида оловпарастларнинг ибодатхонасини билдириб, у ерда май ичишга ижозат берилган. Шу сабабли дайр тасаввуфий шеърятда майхонани ифодалаб келган. Миръоти саҳбо – май оинаси бўлиб, у тасаввуфий жиҳатдан ёр аксини кўрсатувчи кўзгудир. Мусаллонинг диний маъноси намоз ўқийдиган жой ва жойнамоз бўлса, тасаввуфий жиҳатдан ошиқнинг сажда қиладиган жойидир. Бу жой эса ошиқ учун маъшуқа даргоҳи ҳисобланади.

Май аслида инсонни кайф қилдирадиган ичимлик. Тасаввуфда эса у ишқ туғғени, покиза ишқ ва сўфийнинг орифликка етишидан лаззат топишидир. Қадах маърифатга тўлган ориф қалбини акс эттиради. Сабў – кўза муршид ёки комил инсон оғзини билдиради. Сабўдаги сув инсон ташналигини қондирганидек, муршиди комил оғзидан чиққан сўзлар ҳам мурид вужудини нурга тўлдириб, уни комилликка кўтаради. Жоми Жам – Жамшид қадах бўлиб, унда бутун олам кўринар экан. Жоми Жам тасаввуфда муршид қалби, илоҳий тажаллиёт ва маъшуқа жамолини акс эттиради. Аҳли фано тасаввуфда сўфийларни билдиради. Сўфийлар Аллоҳга интилувчилар гуруҳи бўлиб, улар бу дунё лаззатларидан, нафсдан ўзларини тийган кишилардир. Сўфийлар Ҳақ

висолига интилиб, қалбларини поклаган, ўзликларига барҳам берган зотлар ҳисобланади. Аҳли фано бу дунёга ўткинчи, нафс манзили деб қарайдилар. Улар Аллоҳга етиш, унинг жамолидан баҳраманд бўлишни абадий дунё, ҳақиқий мақсад манзили дея, фақат шунга интиладилар. Шу сабабли аҳли фано аҳли бақо ҳам дейилади.

Алишер Навоий татаббуъсининг биринчи байтиданок тасаввуфий талқин бошланади. Улуғ шоир лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасини кўриш орзусини тасаввуфий тимсоллар орқали сўфиёна чизиб беради. Байтдаги ошиқ Ҳақ жамолига шайдо солиқдир. У севгилиси Аллоҳ жамолини кўришни истайди. Бунинг учун илоҳий тажаллиётдан фойдаланмоқчи бўлади. Шу сабабли майхона, яъни комил орифнинг ботиний оламига назар ташламоқчи бўлади. Солиқ ошиқ шундай қилса, комил орифнинг май оинасига ўхшаш қалбида муғбача юзини, яъни Аллоҳ жамолини кўради. Иккинчи байтда биринчи байтдаги тасаввуфий маъно дунёвий мазмун олади. Улуғ шоир «шўҳи чигил» - «чигил гўзали» бирикмасини кўллаб, лирик қаҳрамон севгилисига дунёвий маъно беради. Қизлари ниҳоятда гўзал бўлувчи уруғ номи билан боғлаган ҳолда лирик қаҳрамон севгилисини тилга олиб, унинг ошиқ қалби ва кўзига жойлашуви ҳамма жойнинг севимли бўлишига сабабчи бўлганини таъкидлайди. Воқеан, ошиқ қалби ва кўзига маҳбубаси жойлашгани учун ҳам у қай томонга боқса севгилисини кўради. Алишер Навоийнинг байтдаги тасаввуфий талқинича, Аллоҳ ҳам солиқ ошиқ қалби ва кўзидан шундай мустаҳкам жой олса, у қаерга боқса Ҳақ тажаллийсини аниқ кўра олади. Бунинг учун эса ошиқ қалби ва кўзини тўла поклаб, уларда севгилисининг мукамал ўрин олишига эришиши лозим бўлади.

Учинчи байтда зоҳидликдан орифликка кўтарилган ошиқ ҳолати чизилган. Лирик қаҳрамон зоҳидлик поясида жаннат орзусида бўлиб, қиблага бош қўйган ҳолда жойнамоз устидан турмасди. У шу ҳолда ибодат билан шуғулланар экан, бирдан унга маъшуқа назар ташлаб, унинг қалбига ўз ишқини жойлайди. Бундан лирик қаҳрамоннинг ибодати барҳам топади. Чунки у маҳбубанинг қош ва юзига шайдо бўлиб ўзини унутади. Унинг қалбидан маъшуқа жамоли, кўзидан эса қоши мустаҳкам ўрин олиб, уни ҳақиқий ошиққа айлантиради. Ошиқнинг қалб ва кўзи маъшуқа жамоли билан банд бўлиши унинг жаннат орзусидаги тамали интилишини йўққа чиқаради. Бироқ ошиқ бундан афсусланмайди, балки маъшуқа гўзаллигидан ҳузур қилади ва унинг ҳақиқий висолига интилади. Аммо бунинг иложи йўқ. Шу сабабли ошиқ ҳеч бўлмаса уни кўришни истайди. Тўртинчи байтда шу ҳақда гап кетади. Ошиқ маъшуқасини истаб, унинг жамолини ахтаради. Бироқ уни ҳеч қаердан топа олмайди. Чунки ҳақиқий маҳбубни кўришнинг иложи йўқ эди. Маъшуқа

ошиғига ўзини кўрсатмаса-да, аммо ўз жамолини осмондаги ой ва боғдаги гулда тажаллий эттирган. Буни англаган ошиқ маҳбубаси жамолини кўриш учун ой ва гулга боқади ва улардан илоҳий ишқ ҳузурини туяди.

Алишер Навоий тўртинчи байтнинг иккинчи мисрасида тазмин санъатини кўллаб, байтдаги фикрни мукамал бериш мақсадида Амир Хусрав ғазалининг биринчи мисраси – «Ҳар дам чу натвонам, ки он рухсори зебо бингарам»ни тазмин сифатида кўллайди. Алишер Навоий тазминли байтида илоҳий тажаллиёт тасвирини бериб, у орқали Амир Хусравнинг учинчи байтидаги илоҳий тажаллиёт ҳақидаги фикрини маъқуллаган ва ривожлантирган. Бу Алишер Навоийнинг байтда тазмин санъатидан фойдаланишида ҳам кўзга ташланади.

Агар Амир Хусрав охириги байтда ижтимоий масала ҳақида фикр юритган бўлса, Алишер Навоий эса бешинчи байтда ижтимоий масалага диққатни тортади. Навоий тасвирича, ҳаёт ташвишлари ва ғам-алами лирик қаҳрамоннинг ҳам ҳафсаласини пир қилган. Шу сабабли у орзу-истак дунёси, моддий олам андишалари ҳақида гапиришни истамайди. Лирик қаҳрамон ўз ғам-ташвишларини ўйламайди. Ҳақиқий ишқ ва ошиқлик, илоҳий маҳбубга шайдолик уни бутун башариятни ўйлайдиган шахсга айлантирган. Шунинг учун у Жамшид жомини олиб, унда бутун оламга назар солишни ва дунё ҳолаҳволи ҳамда шароитини кўришни истайди. Бунда ошиқ Жамшид жоми билан биргаликда, кўзадаги май, яъни муршиди комилнинг олам ва одам ҳақидаги уни жунбушга келтирувчи сўзларидан ҳам фойдаланмоқчи бўлади. Демак, Навоий лирик қаҳрамони зоҳидликдан ориф ошиқликка кўтарилгач, тор дунёвий биқикдан чиқиб, ўзини ўйлашдан башарият тақдирини ўйлайдиган комил инсонга айланган ҳолда тасвирланганки, бу Алишер Навоий лирик қаҳрамонининг Амир Хусрав лирик қаҳрамонидан анча олға кетган образ сифатида берилганлигини кўрсатади.

Навоий қаҳрамони башарият тақдирини ўйлайдиган шахс бўлганлиги сабабли, гарчи у ҳақиқий ошиқ бўлса-да, унда ўзи учун вақт ниҳоятда кам. Буни ошиқнинг ўзи ҳам ҳис этади. Шу сабабли олтинчи байтда лирик қаҳрамон нидо санъати орқали қалбига мурожаат қилиб, сабода маъшуқа ўзини кўрсатса, унга яхши қараб олишни маслаҳат берар экан, бундай фурсатни бошқа бирор лаҳза топа олмаслигини ҳам таъкидлайди. Алишер Навоий охириги байтда ҳам нидо санъатини кўллаб, ўзига мурожаат этади ва тасаввуфий фикрларини давом эттиради. Улуғ шоир талқинича, фано аҳли бугунни ўйлаб тўғри қилади. Зеро, бугун яхши бўлса, эрта ҳам яхши бўлади. Бугун оғир бўлса, эртанинг яхши бўлиши қийин. Шу сабабли нақднинг пайида бўлиб, бугунни гўзаллаштириш лозим. Бугуннинг гўзаллашуви эртанинг нурли, мукамал бўлишига хизмат

қилиши табиийдир. Шу тарзда Алишер Навоий ўзлигидан кечган, нафсини тийиб, поклик йўлини танлаган фано аҳлининг кишиларни, жамиятни поклашга қаратилган фаолиятларини маъқуллайди. Шундайлар билан бирга бўлиш, улардан ўрганиш, уларга хизмат қилиш эртанги ҳолга қараб фол очиб ўтиришдан афзаллигини таъкидлайди. Маълум бўладики, Навоий охириги байтда ҳам тасаввуфий фикрлар орқали ўз даври ва барча замонлар учун муҳим бўлган ижтимоий масалани кўтаради ва уни дадил олға суради.

Айтиш мумкинки, Навоий татаббуъси оддий издошлик эмас. У юксак маҳорат билан яратилган. Унда фикрлар сиқик, аммо кенг қамровлидир. Шу сабабли Амир Хусрав ғазали тўққиз байт бўлгани ҳолда, Алишер Навоий татаббуъси етти байтдан иборат бўлган. Бу – биринчидан. Иккинчидан, Алишер Навоий татаббуъси иккинчи байтдан охириги байтгача мусажжаъ усулидаги ички қофиялар билан ёзилган. Шеърни бошдан-охир ички қофия билан ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб қилади. Ўзбек шоирининг тожик тилида ёзган шеърда ички қофияларни (дил – чигил – муттасил; ваҳ – раҳ – қиблагаҳ; осмон – бўстон – он; мағў – сабў – дар ў; маҳчабин – бубин – чунин; раво – фано – вақтро) мукамал қўллай олиши унинг зуллисонайн сифатидаги маҳоратини ҳам кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворки, Алишер Навоийнинг Амир Хусрав ва бошқа тожик шоирлари ғазалларига боғлаган кўпчилик татаббуълари ҳам шу каби тўла ички қофияларда битилган. Учинчидан, татаббуъда Навоий шеърини санъатларидан ҳам кенг фойдаланган. Чунончи, тавзиъ (даруни дайри дар), нидо (абрўву рухсори ту; эй; Фонй), таносиб (муғбача, дайр; абрў, рухсор, чашм; қиблагаҳ, мусалло; маҳ, осмон; гул, бўстон; май, қадаҳ, сабў, чоми Чам), муташобих (шўхи чигил, маҳчабин, рухсори зебо), тазмин, мусажжаъ сингари санъатлар шулар жумласидандир. Тўртинчидан, Алишер Навоий татаббуъсида Амир Хусрав ғазалига нисбатан тасаввуфий талқин очик, кенг ва чуқур берилган бўлиб, уларда бевосита ижтимоий ҳаёт масалалари ҳам маҳорат билан кўрсатиб берилган. Бу, айниқса, бешинчи, олтинчи ва еттинчи байтларда ёрқин кўринади. Бешинчидан, Навоий татаббуъда Амир Хусрав қўллаган радиф сўз «бингарам»ни олган бўлса-да, унинг барча қофия сўзларидан фойдаланмаган. Алишер Навоий Деҳлавий ғазалидаги учта қофия сўзни – тамошо, чо, зебо сўзларини олган, холос. Татаббуънинг қолган ўринларида ва ҳатто ички қофияларда ҳам бутунлай янги сўзларни қофия сифатида қўллаган. Олтинчидан, Амир Хусрав ғазалида айрим сўзлар икки мартадан қофия учун ишлатилган. Масалан, улуғ шоир «зебо» сўзини биринчи ва иккинчи байтда, «то» сўзини эса еттинчи ва саккизинчи байтда қофия сифатида қўллаган.

Амир Хусравнинг бошқа кўплаб ғазалларида ҳам худди шундай такрорланган қофия сўзлари учрайдики, буни адабиётшунос Ё.Исҳоқов ҳам

қайд этган эди.⁶ Алишер Навоий ғазалларида эса сўзларнинг такроран қофияланиши кўзга ташланмайди. Юқоридаги татаббуъда ҳам такрор қофия йўқ. Улуғ шоир ҳар бир байтда алоҳида сўзни қофия учун танлаб, уларга, шунингдек, Амир Хусрав ғазалидан олинган қофия сўзларга ҳам янги ва чуқур маънолар юклаган.

Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг татаббуънависликда юксак маҳоратга эришганини кўрсатади. Буни «Девони Фоний»даги «Чудо», «Овард», «Кун», «Сохта», «Мекунӣ», «Боистӣ», «Будӣ», «Манаст», «Кард», «Афтад», «Мешавад», «Зад», «Шуданд», «Олуд», «Дорад» ва бошқа татаббуъ ғазалларида ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоийнинг ўзбекча ғазалларида ҳам Амир Хусравга эргашиш, унга юксак даражада хурмат-эҳтиром акс этади. Навоий тўрт девондан ташкил топган «Хазойинул-маоний» девонлар мажмуасини Амир Хусравнинг тўрт девони анъаналарини давом эттирган ҳолда тузган эди. Буни Алишер Навоийнинг ўзи «Хазойин-ул-маоний»нинг дебчасида айтиб ўтади.⁷

Натижа ва муҳокама

Навоий «Хазойинул-маоний»даги «Ғаройиб-ус-сиғар» девонида берилган бир ғазалида Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий каби шеърят булбулларига юксак эҳтиром кўрсатиб, уларни булбул ўзини эса оддий жонивор самандарга нисбат беради. Самандар ўтдан пайдо бўлиб, ўтда яшайдиган жонивордир. Навоийнинг ўзини самандарга нисбат бериши бежиз эмас. Улуғ шоирнинг талқинича, Амир Хусрав шеърятини сўз, яъни оловга, алангага ўхшаса, Жомий шеърятини ҳам шуъла, яъни ўтга, ёлқинга ўхшайди. Навоий мамнуният билан ўз шеърятини Амир Хусрав назмининг сўзи ва Жомий назмининг шуъласи борлигини таъкидлаб, ўзининг самандарга ўхшашлиги ана шу икки улуғ шоирнинг ўтли назмидан баҳра олишга боғлиқлигига ишора қилади. Шунга кўра Навоий устозлари олдида хоксорлик билан ўзини булбулга ўхшатмаган бўлса-да, аммо унинг шеърятини Амир Хусрав ва Жомийнинг ўтли нафаслари акс этиши уни чиндан назм булбули дейишга имкон берарди. Улуғ шоир қуйидаги байтида тақсир санъатини қўллаб, ғоятда хоксорлик кўрсатаётган бўлса-да, аслида уни фахрия санъатида битилган фахрияси дейиш мумкин:

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор

⁶ Исҳоқов Ё. Навоий ва Хусрав Деҳлавий // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968, 95-б.

⁷ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988, 14-б.

Назми ичра шуълайи Жомию сӯзи Хусравий.⁸

Навоий Амир Хусрав ғазалларига боғлаган татаббуъларининг баъзиларида қофия, радиф, вазн, мавзу ва образларни олиб, уларни ривожлантирган ҳолда тасвирласа, айримларида уларга эркин муносабатда бўлади. Шу сабабли татаббуъда жиддий ўзгаришлар юзага келади. Бунда кўпинча радиф ва қофия сақланса-да, татаббуъдаги вазн, мавзу ва образлар мазмунида янгиликлар юзага келади. Бундай ҳолат Навоийнинг тожик тилидаги татаббуъларида бўлгани каби ўзбек тилидаги татаббуъларида ҳам кўзга ташланади. Чунончи, буни Алишер Навоийнинг ўзбек тилида ёзилган «Ҳануз» радифли татаббуъсида ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоий татаббуъсида Амир Хусрав ғазалидаги радиф ва қофия шакли сақланган. Вазнда эса фарқ бор. Амир Хусрав ғазали ражаз баҳрида ёзилган бўлса, Алишер Навоий татаббуъси рамал баҳрида битилган.

Амир Хусрав ғазалининг образи лирик қаҳрамоннинг ўзидир. У ғазалда фаол фикрлайди. Кексайган бўлишига қарамай, қалбининг ёшлиги, ҳали ҳам ошиқ сифатида маҳбубасига ишқининг кучлилиги ва ундан висол умиди борлигини изҳор этиб, муҳаббат туфайли турли куфрона ҳолатларни бошдан кечираётганлигини дадил айтади:

Тан пир гашту орзуи дил чавон ханӯз,
Дил хун шуду ҳадиси бутон бар забон ханӯз.
Умрам ба охир омаду рӯзам ба шаб расид,
Мастиву бутпарастии ман ҳамчунон ханӯз...⁹

Ғазал давомида лирик қаҳрамон умри тугаётган бўлишига қарамай, ишқ уни тарк этмаётганидан ҳам ҳайратланиб, ҳам шодланиб фикр юритади. Лирик қаҳрамоннинг ҳайрати шунда эдики, унинг умри охирлаётган бўлишига қарамай, қалби ёш бўлиб, уни ишқ тарк этмаган. Лирик қаҳрамоннинг шодлиги эса шунда эдики, ҳақиқий маҳбуба ишқи абадиятга мансуб бўлиб, унга ҳам насиб этган эди. Лирик қаҳрамоннинг ҳақиқий маҳбуба тузоғидагилиги, унинг барча бошқа тузоқлардан омон сақланишга, ўткинчи умр ҳам ошиқ учун абадий ҳаётга айланишига сабаб бўлган эди:

Сад ғам расиду марг ханӯзам намерасад,
Сад дод рафту мӯҳри дилам роягон ханӯз...
Ҳар дам карашмаҳои вай афзун он гаҳе,
Хусрав зи банди ў ба умеди амон ханӯз.¹⁰

Амир Хусрав лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, турли ҳаракат-ҳолатларини бадиий тасвирий воситалар орқали юксак маҳорат билан чизиб

⁸ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988, 496-б.

⁹ Хусрав Д. Осори мунтахаб. Дар 4 хилд. Х.4. – Душанбе: Ирфон, 1975, 452-б.

¹⁰ Хусрав Д. Осори мунтахаб. Дар 4 хилд. Х.4. – Душанбе: Ирфон, 1975, 452-б.

берган. Чунончи, ғазалда тазод (пир – чавон, рӯз – шаб, банд – омон), таносиб (бут, бутпараст, кофир), тақрир (дил – дил; чон – чон; сад – сад), ийҳом санъатларидан моҳирлик билан фойдаланилган. Улуғ шоир «турки маро» бирикмасида ийҳом санъатини қўллаб, уни икки маънода берган. Унинг биринчиси «менинг гўзалим», «севикли маҳбубам» маъносини ифодалаган бўлса, иккинчиси эса «менинг турк гўзалим», «гўзал турк маҳбубам» маъносини англатиб келган.

Алишер Навоий татаббуъсининг ҳам асосий мавзуси муҳаббатдир. Аммо Алишер Навоий татаббуъда муҳаббат мавзусининг фақат ўзини Амир Хусрав каби бошдан-охир изчил тасвирламайди. Балки Амир Хусрав мавзусини сақлаган ҳолда татаббуъда бошқа масалаларни ҳам қамраб олиб, унинг мавзу доирасини кенгайтиради. Бунинг учун улуғ шоир мустақил байтлардан тузилган ғазал шаклини қўллайди. Амир Хусрав ғазалида эса ғазалнинг мусалсал шакли қўлланган бўлиб, унда лирик қаҳрамон кечинмалари байтларда тадрижий тарзда берилган эди. Демак, Навоий Амир Хусрав ғазалининг шаклига ҳам ижодий ёндашган ва устози ғазалидаги шакл ўрнига татаббуъда бошқа шаклдан фойдаланган. Бундан Навоийнинг мақсади татаббуъда асосий мавзу билан бирга бошқа мавзуларни ҳам киритиш бўлган. Воқеан, Алишер Навоийнинг бу бадиий нияти татаббуъда ўз ифодасини топганлиги ёрқин кўринади. Шу сабабли Амир Хусрав ғазали етти байт бўлгани ҳолда, Алишер Навоий татаббуъси тўққиз байтдан иборат бўлган.

Алишер Навоий татаббуъси табиатдаги баҳорий ўзгаришлар тасвири билан бошланади. Қиш чекиниб, табиат кўм-кўк либосга бурканган. Гўёки узок қишдан сўнг табиатнинг кўкламга етиш орзуси ушалган. Лирик қаҳрамоннинг эса ҳалигача ёрга етиш орзуси ушалмаган. У телбалардек саргардон кезади. Улуғ шоир қиёслашни давом эттириб, лирик қаҳрамон ҳолатини тасвирлаб боради. Татаббуъдаги тасвирга кўра табиат яшнаган сари лирик қаҳрамон қалбининг вайронлиги (иккинчи байт), жисмининг урёнлиги (учинчи байт), ашқининг тўфонлиги (тўртинчи байт) кучайиб, ўқувчи кўз ўнгида мажнунсифат ошиқ қиёфаси намоён бўлади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолига ўзи ҳам ачинади. Бироқ аҳволдан афсусланмайди. Аммо унинг ёр васлидан умиди бор. Баҳор қиш табиатига ҳаёт бағишлаганидек, лирик қаҳрамон ҳам Исонафас севгилисидан ҳалокатли ҳаётга даво истайди.

Ёнғил, эй, Исодамим, хуснунг баҳори ҳаққиким,

Бордурур муҳлик жунунумға даво имкон ҳануз.¹¹

Татаббуънинг охири байтларида ошиқнинг мажнунвор ҳаёти тасвири давом этади. Саккизинчи байтда лирик қаҳрамон ўгити берилади. Гарчи бу байт

¹¹ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988, 177-б.

мустақил маъноли шаклда тузилган бўлса-да, лекин олдинги байтлардаги лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасидан илтифот орзуси берилган маънодан бутунлай узилиб қолмаган. Байтда ғаниларга мурожаат этилиб, ҳожат аҳлига кўмаклашиш сўралган. Навоий тасвирига кўра ошиқ ҳам ҳожат аҳлидандир. У ёр васлига зор. Маҳбуба унга илтифот қилса, ошиқнинг ҳожати ушалади. Ҳаётда ҳам ҳожат аҳли кўп. Улар турлича орзу-умидлар билан яшашадими, ғаниларнинг кўмагисиз уларнинг орзу-тилаклари ушалмайди. Алишер Навоийнинг маҳорати шундаки, у ошиқни ҳожат аҳлига, маъшуқани ғаниларга нисбат берган ҳолда муҳим ўғитли фикрни олға сурган:

Ким еткурмак ғанимат англа ҳожат аҳлига,

Эй ғаний, бу дамки коминг бирладур даврон хануз.¹²

Ғазал ўртасида шу тарзда бирор ўғитли байт бериш Навоий услубига хосдир. Ғазалда панд-ўғитли байт бўлиши маъқул тасвир усулидан эканлигини Алишер Навоийнинг ўзи ҳам қайд этган эди.¹³ Воқеан, улуғ шоир «Бадоеъ-ул-бидоя» девонининг дебчасида ёзади: «Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда захмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлиқ бўлғай, бирар- иккирар насихаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилинди...».¹⁴ Навоийнинг бу фикри унинг аксари девонларидаги ғазалларда амалга оширилган. Демак, Алишер Навоий ғазали муҳаббат мавзусида бўлса ҳам, улуғ шоир унда панд-насихат акс этган бир ёки икки байтни берган. Юқоридаги байт ҳам татаббуъдаги шундай мавъиза байтлардан бири сифатида берилганлиги кўзга ташланади. Шу сабабли у ғазалда мустақил байт сифатида келган.

Татаббуънинг охириги байтида ҳам мустақил байтдир. Унда ҳам татаббуънинг асосий мавзуси бўлган муҳаббат билан боғлиқ фикр, ҳам мустақил маънога эга фикр берилган. Байтда берилишича, шайх ошиққа ишқни ман этиб, насихат қилади. Чунки у ошиқликни ақлсизлик, жиннилик деб ўйлайди. Бу билан шайх ўзининг нодонлигини билдириб қўяди. Ишқ инсонга берилган буюк бахт эканлигини у тушунмайди. Лирик қаҳрамон шайхнинг ишқ борасидаги ақлсизлигидан афсусланади, унга ачинади. Улуғ шоирнинг киноявий фикрига кўра, ишқни тушунмаган шайх баҳор айёмидан ҳам

¹² Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988, 179-б.

¹³ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1987, 21-б.

¹⁴ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1987, 21-б.

завқланмаслиги табиийдир. Татаббуъ ишқсизлар устидан қилинган кинояли захарханда билан яқунланади:

Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийға, кўрунғ
Ким, баҳор айёмида оқилдур ул нодон ҳануз.¹⁵

Навоий татаббуъда Амир Хусрав ғазалидаги қофия шаклини олган бўлса-да, устози қофияларидан бирортасини ҳам такрорламаган. Татаббуъда улўғ шоирнинг фикрлари бадий санъатларга йўғрилган ҳолда гўзал ифодаланган. Дарвоқе, унда тақрир (менда – мен, ком – коминг), нидо (эй Исодамим, эй ғаний), муташобих (ёз ёмғури, найсон ёмғури; сабо, тонг насими), таносиб (ғунча, гул, дашт, баҳор), тажнис (телба, жунун), тазод (хуллапўш – урён; момук – пайкон; ҳожат аҳли – ғаний; оқил – нодон; баҳор – ёз) каби санъатлар маҳорат билан қўлланган. Навоий бадий маҳоратини унинг бошқа ўзбекча татаббуъларида ҳам кўриш мумкин.

Хулосалар

- Амир Хусрав Дехлавий тожик ғазалнавислигига улкан ҳисса қўшган бўлса, Алишер Навоий Навоий ҳам тожик, ҳам ўзбек ғазалчилиги тараққиётига улкан ҳисса қўшди.
- Навоий ғазалда татаббуънависликни давом эттириб, Амир Хусравга татаббуъ, Амир Хусрав услубида татаббуъ, Амир Хусрав услубида Ҳофиз Шерозийга татаббуъ, Ҳофиз Шерозий услубида Амир Хусравга татаббуъ, Амир Хусрав ғазаллари таъсирида мухтараъ, ихтиро ғазаллар яратиб, ўзбек ғазалчилигига янгиликлар киритди ва уни бойитди.
- Алишер Навоий Амир Хусрав анъаналарини ривожлантириб, ғазалда сўфиёна талқин ва бадийликни юксак даражага кўтарди.

Адабиётлар:

1. Исҳоқов Ё. Навоий ва Хусрав Дехлавий // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – С. 88-106.
2. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1987. – 724 с.
3. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 с.
4. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.6. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 с.
5. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.19. – Тошкент: Фан, 2002. – 600 с.

¹⁵ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1988, 179-б.

6. Суюнов М. Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий (анъана, янгилик ва маҳорат масалалари). – Хўжанд: Раҳим Жалил, 2004. – 56 с.
7. Хусрав Д. Осори мунтахаб. Дар 4 хилд. X.4. – Душанбе: Ирфон, 1975. – 896 с.
8. Шамухамедов А.Ш. Традиция татаббуъ в творчестве Алишера Навои (На примере татаббуат Фани на газели Джами): Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 165 с.